

2020 йилдан бошлаб Бухоро — Ислom маданияти пойтахти ҳисобланади



09:37 / 02.01.2020 4441

Аввал хабар қилганимиздек, 2019 йилда Ислom ҳамкорлик ташкилоти ва фан-маданиятнинг ISESCO бўйича йиғилишида Тунис шаҳрини Ислom маданияти пойтахти деб эълон қилиш билан боғлиқ дастурини яқунлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган эди.

Ушбу IX Ислom конференциясида Ислom ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар, Маданият Вазирликлари маълум қилинган. Жумладан, 2020 йилдан бошлаб Бухоро, Қоҳира (Миср) ва Бамако (Мали) шаҳарларини Ислom маданиятининг пойтахти деб эълон қилиш қарори режалаштирилган эди.

Ниҳоят 2020 йилдан бошлаб юртимизнинг қадим гўшаси Бухоро — Ислом маданияти пойтахти унвонини қабул қилиб олди.

Маълумот ўрнида қайд этиш керакки Ислом маданияти пойтахти ҳар икки йилда бир мартаба ўтказилади ва конференция ташкиллаштирилади. Йил давомида пойтахт сифатида танланган шаҳар ўзининг маданияти ва исломий меросини тақдим этишга қаратилган тадбирларга мезбонлик қилади.

Islom.uz портали таҳририяти